

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ФАОЛИЯТИГА ТАРБИЯЛАШ

T Ҳамракұлов
ҚДПИ Спорт ва ҳаракатлы үйинлар кафедрасы катта ўқитувчиси

Инсон вояга етган сари онг тафаккури ривожлана боради. Унинг ривжлантирувчи энг биринчи ташқи мухт, таълим ва тарбия шакиллантитувчи воситалар бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирги замон ижтимоий тузуми, унинг сиёсий, маданий, маънавий ҳаёти ҳар бир аъзосидан, айниқса ёшлардан турмушимизнинг барча соҳаларида ташаббускорлик, мустақил фикрлаш, у ёки бу муаммони ечимида, ностандарт ёндошувни, янги технологияларни ўрганиш ва уни қўллашни тақозо этади.

Ёшларда мустақил бўлиш ташаббускорлик, янгича ёндошувлар қонуний жараён сифатида ўсмирлик даврида пайдо бўлади. Лекин, умумий ва касбий жиҳатдан талабалик даврида юқори даражада ривожланади.

Ҳозирги даврда жисмоний тарбия факультети талабаларининг мустақил фаолиятини такомиллаштириш энг долзарб масалалардан ҳисобланиб, бу жараён бўлғувси юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда, уларни сифат жиҳатдан жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишида айниқса, алоҳида аҳамият касб этади.

Олий таълим тизимида бўлғувси жисмоний тарбия мутахассислигини мустақил ишлашга ўргатишда, эркин мулохаза юритиш кўниқмасини шаклланишида мазкур ўкув юрти профессор-ўқитувчилар фаолиятига алоҳида эътибор берилади. Ҳар қандай ижодкорлик кўриниши каби педагогик ижодкорлик, аввало норматив хужжатлар билан эвристик ёндошувнинг ўзаро узвийлигига намоён бўлади. Ўқитувчи учун, тан олинган принциплар замирида услубий ҳаракатлар, таъсир тизимини мустақил ижодий ҳарактерли эканини ҳисобга олинса, ушбу ижодкорлик мазкур педагог шахсий сифатлар комплекси билан бевосита боғлиқ эканини айтиб ўтиш ўринлидир. Умуман олганда ўзига хос ижодкорлик, масалага мустақил ёндошиш-педагогнинг энг олий фазилатидир.

Олий ўкув юрти ўқитувчиси фаолиятининг асосий-мазмунини таълим берувчи, тарбияловчи, ташкилотчилик ва илмий ҳарактердаги вазифалар ташкил этади. Айниқса, бу ўринда талабалар мустақил ишлаш кўниқмасини шакллантитириш учун ва илмий тадқиқот ишлари олиб боришга ўргатишда

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

қўйидаги иккита мухим холатга: Ўқитиш ва тадқиқот олиб боришга алоҳида эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Ўқув жараёнида турли техника воситаларидан, жумладан электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш талабалар мустақил фикрлаш ва ижодий ишлаши учун янги, кенг имкониятларни очиб беради. Талаба ўқитиш жараёни орқали дастлаб тайёр дастурий ёки репродуктив материалга таянган ҳолда мустақил ёндошишга ҳаракат қиласа, иккинчисида яни тадқиқот олиб бориш мобайнида, мустақил ижодий ишлашга ўрганиб боради. Бунда талаба мустақил тарзда бирон фан, ўқув фаолияти юзасидан дастурий модул ва электрон ҳисоблаш машиналарида маълум масалаларни ҳал этиш учун бир қатор методлар тизимини амалга оширишга эришадилар. Худди шунингдек вазифаларни бирон мавзу, боб, бўлимларни мақсадларни белгилаш, айниқса ушбу фаолиятда билимларни мустақил эгаллашнинг таксаномиясини яратиш (бу вазиятда билимларни мустақил ўзлаштиришнинг иерархик тартибини сақлаш)га ҳаракат қиласа.

Бу эса, талабага мустақил, ишлаш, мустақил фикрлаш орқали бир қатор вазифаларни амалда ҳал этиш имконини беради. Жумладан:

1. Талабалар имкониятларидан келиб чиқиб мустақил билиш фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда.

2. Талабаларни мустақил, ижодий ишларини назорат қилиш учун тезкор алоҳида, қайта алоқа, ҳамда коррекцион тузатиш ишларида.

3. Методлар тизимида тезкор фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган фаолият кўринишларини ишлаб чиқиша.

4. Талабада тезкор фаол фикр юритиш, мустақил тарзда қарорлар қабул қилиш натижаларини тажрибада синалган усуллар ёрдамида текшириш, баҳолаш қўнимлари шаклланишида алоҳида фаолият касб этади.

Албатта, бундай фаолият кўринишлари талабадан маълум даражада билимларни эгаллаш ва кўриниш босқичларини ўташни тақозо этади. Ушбу босқичларни ўташ жараёнида ҳисоблаш техникасининг конкрет воситаларини, зарур ижодий характердаги методлар тизимини билиш зарур бўлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, талаба мустақил билиш жараёнини йўлга қўйиш, уларда ижодкорлик, мустақил фикрлаш фаолиятини юзага келтирувчи мухим мотивацион жараёнлар ҳамда уларнинг сабабларини аниқлаш ҳам мухимdir.

Касбий қизиқувчанликнинг шаклланганлиги, танланган мутахассислигига ижобий муносабатни юзага келишига ва у орқали эса мустақил ижодий фаолиятга ихтиёрий тарзда киришиш имконини беради. Агар талаба ўз ихтиёри билан мутахассисликни танлаган бўлса, уни севиб қолган бўлса, у ҳолда ўз

Jismoniy tarbiya va sport sohasi samaradorligini oshirishda fiziologik, pedagogik-psixologik yondashuvlar va fanlararo integratsiyalashuv masalalari

билимини пухта эгаллаш ва уни ривожлантиришга, бу борада зарур бўлган кўнирма ва малакани такомиллаштиришга, кейинчалик эса уларни ўз иш фаолиятида унумли фойдаланишга ҳаракат қиласди. Олий ўкув юртини битирган мутахассис ўз қасбини севмаса, у ҳолда фақат шу соҳа бўйича юқоридан кўрсатма бўйича ишловчи оддий ҳодимга, ижрочи шахсга айланиб қолади. Бундай мутахассис ўз фаолиятидан маънавий қониқиши ҳосил қиласди. Шу соҳани ривожланишига қизиқмайди. Демак, талабалик даврида юзага келган ташаббускорлик, мустақил, ижодий ишлаш, янгиликка интилувчанлик бўлажак мутахассис фаолиятининг асосини ташкил этади ва у кейинчалик ўзининг ҳаёт мазмунига айланиб боради. Чунки қаерда ижодкорлик, ташаббус, мустақил дадил фаолият кўрсатиш йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда мутахассис ўз ишининг натижасидан маънавий, иқтисодий қониқиши ҳосил қиласди.

ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. Akramjonovich, Y. I., & Ismailovna, Y. F. (2023). Fitness development and training in youth education. *Ethiopian International Journal of Multidisciplinary Research*, 10(11), 492-495.
2. Kudratshoevich, S. E. (2023). Monitor of the student's physical culture formation. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 11(4), 204-211.
3. Umarov, A. A., & Umarova, Z. U. (2023). Talaba-yoshlarni jismoniy sifatlarini rivojlantirishda milliy va harakatli o ‘yinlarning o ‘rni. *Scientific progress*, 4(1), 260-265.
4. Саруханов, А. А., Азизов, М. А., & Муминов, Ш. И. (2022). Исследование функциональных показателей юных пловцов. *Youth, science, education: topical issues, achievements and innovations*, 1-6.
5. Urinboevna, U. Z., Burkhanovich, D. B., & Ismailovna, Y. F. (2022). New technologies for the development of strength qualities Youth. *International journal of social science & interdisciplinary research* issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(11), 220-224.
6. Akramjonovich, Y. I., & Ismailovna, Y. F. (2023). Development and Improvement of The Motor Qualities of Volleyball Players Based on The Educational and Training Process. *Journal of Advanced Zoology*, 44(S6), 1499-1503.
7. Ilyosovich, M. S. (2023). Improving physical education of students with fatigued health. *International journal of social science & interdisciplinary research* issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(10), 32-35.
8. G’ayratovich, S. S., & Akramjonovich, Y. I. (2023). Development principles of young sportsmen’s strength by updated technologies. *International journal of social science & interdisciplinary research* issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 12(12), 32-34.